



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

2018 йилнинг 9 ойи учун

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТЎЛОВ
БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИОН ПОЗИЦИЯСИ
ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ**

**2018 йил, декабрь
Тошкент шаҳри**

КИРИШ

Ушбу нашр Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси Департаменти томонидан тайёрланган. Нашрда 2018 йилнинг 9 оyi учун тўлов баланси ва халқаро инвестицион позицияси, шунингдек, ташқи қарзи бўйича маълумотлар баён этилади, улар Тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция бўйича Қўлланманинг олтинчи нашрига мувофиқ тайёрланган (ТБҚ 6. ХВФ, 2009 й.).

Ушбу нашрда жорий йилнинг I ярим йиллиги учун нашрнинг тахлилий тузилмаси ва статистик маълумотларни тақдим қилиш тартиби сақлаб қолинган.

Жорий йилнинг октябрь ойи охирида Халқаро валюта фонди томонидан (ХВФ) ташқи сектор статистикасини тузишда техник кўмак кўрсатилди. ХВФ техник кўмагининг фаолият йўналишларидан бири бўлиб тузилган тўлов балансини баҳолаш ва унинг баъзи компонентларини (хизматлар, бирламчи ва иккиламчи даромадлар, ҳамда молия ҳисобининг баъзи моддалари) яхшилашда кўмаклашиш бўлди. ХВФ тавсияларига мувофиқ тўлов балансининг барча муҳим компонентларини ТБҚ 6 бўйича тўлиқ ва тўғри акс этирилишини таъминлаш мақсадида тегишли ўзгартиришлар киритилди, ҳамда маълумотлар мавжуд бўлмаган компонентлар баҳоланди. Хусусан,

- барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш хизматлари импорти ҳисобланди ва олинган натижалар тўлов балансида акс этирилди;

- тўғридан-тўғри инвестициялардан даромадларни реинвестиция қилиш бўйича маълумотлар тўғирланди;

- меҳнатга ҳақ тўлаш, хусусий трансфертлар, бизнес ва шахсий сафарларни ҳисоблаш методикаси ўзгартирилди;

- мавжуд маълумотлар асосида уй хўжаликлари пул маблағлари ва депозитларни ҳисоблашнинг методикаси янгиланди.

Тақдим этилган маълумотларнинг яхлитлигини сақлаб қолиш ҳамда фойдаланувчиларнинг жорий йилда чоп этилган биринчи ва иккинчи чорак маълумотлари ўртасидаги номувофиқлик сабабларини тушунишини таъминлаш мақсадида, амалга оширилган ўзгартиришларга батафсил изоҳлар ушбу нашрнинг тегишли бўлимларида келтириб ўтилди.

Шу билан бирга, маълумотларни тахлил қилиш имкониятларини жорий қилиш ва прогнозлашда фойдаланиш учун, ТБҚ 6 методологиясига мувофиқ 2016-2017 йиллар учун тўлов балансини ҳисоблаш ишлари амалга оширилмоқда. Шу мақсадда, энг муҳим таркибий қисмлар бўйича маълумотларни олиш учун тегишли вазирлик ва идораларга сўровномалар юборилди. Бошқа таркибий қисмларни тузишда сўнги маълумотларга асосланган ҳолда ҳамда умумий

иқтисодий вазиятнинг асосий кўрсаткичлари асосида ретроспектив тарзда баҳоланади.

Илгари эълон қилинган тарихий қаторларни тўғирлаш, ҳисоб юритиш услубиёти ўзгарганда ва қўшимча маълумотлар олинганда амалга оширилади. Бунда, резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги операциялар бўйича олинган маълумотлар, хўжалик юритувчи субъектлар тақдим этган ахборот, аниқланган статистик фарқлар ва ташқи савдо маълумотларининг аниқлаштирилиши илгари эълон қилинган тарихий қаторларни қайта кўриб чиқиш манбаи ҳисобланади.

Ушбу шарҳда келтирилган жадваллардаги маълумотлар яхлитлангани сабабли якуний рақам ва қўшилувчиларнинг йиғиндиси ўртасида жузъий фарқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, тўлов баланси ва халқаро инвестицион позиция ҳамда жами ташқи қарз бўйича таҳлилий кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> манзилидаги веб-сайтида жойлаштирилган. Жорий йилнинг I ярим йиллиги бўйича маълумотлар мазкур ҳисобот эълон қилиниши билан бир пайтнинг ўзида янгиланган.

Нашрга тааллуқли масала ва таклифлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси департаментига қуйидаги телефон рақамлари ёки электрон почта адреслари бўйича мурожаат қилиш лозим:

(+998) 71 212-60-38

abubakirov_b@cbu.uz

Б.Ю.Абубакиров

Департамент директори

(+998) 71 212-60-76

r.mirzaahmedov@cbu.uz

Р.М.Мирзаахмедов

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи

(+998) 71 236-05-22

j.isakov@cbu.uz

Ж.У.Исаков

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

Савол ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

Нашр чораклик асосда, ҳисобот чорагидан кейинги чоракнинг охирида амалга оширилади ҳамда ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этилади.

Марказий банк 2018 йилнинг 9 ойи учун тўлов балансини, Ўзбекистон Республикасининг халқаро инвестицион позициясини ва ташқи қарзни тузиш учун маълумотларни тақдим этишда ҳамкорлик қилгани учун вазирликлар, идора ва ташкилотларга **ўз миннатдорчилигини билдиради** ҳамда кейинги самарали ҳамкорликка умид қилиб қолади.

МУНДАРИЖА

I. Жорий операциялар ҳисоби	7
1.1. Савдо баланси	8
1.1.1. Товарлар экспорти.....	8
1.1.2. Товарлар импорти	10
1.2. Хизматлар.....	12
1.3. Бирламчи даромадлар	14
1.4. Иккиламчи даромадлар.....	16
II. Капитал билан бажарилган операциялар ҳисоби	18
III. Молия ҳисоби ва халқаро инвестицион позицияси	19
3.1. Давлат бошқаруви секторининг ХИП.....	19
3.1.1. Активлар.....	19
3.1.2. Мажбуриятлар	19
3.2. Банк секторининг ХИП.....	20
3.2.1. Активлар.....	20
3.2.2. Мажбуриятлар	20
3.3. Бошқа секторларнинг ХИП	21
3.3.1. Активлар.....	21
3.3.2. Мажбуриятлар	21
IV. Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ҳолати.	23
4.1. Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзи ўзгаришининг динамикаси.	23
4.2. 2017-2018 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ҳолати.....	24
Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси.....	29
Ўзбекистон Республикаси халқаро инвестицион позицияси.....	31
2018 йилнинг 9 ойи учун ташқи савдо айланмаси.....	33
Товарлар билан ташқи савдонинг жўғрофий тузилмаси.....	41
2018 йилнинг 9 ойи учун кенгайтирилган тавсифнома бўйича халқаро хизматларнинг баланси.....	44

2018 йилнинг 9 ойи учун шахсий трансфертлар.....	48
Бирламчи даромадларнинг баланси	50
Иккиламчи даромадларнинг баланси	51
Ўзбекистон Республикаси халқаро инвестицион позицияси.....	52
Давлат бошқарув секторининг халқаро инвестицион позицияси	53
Банк секторининг халқаро инвестицион позицияси.....	54
Бошқа секторларнинг халқаро инвестицион позицияси	55
2018 йилнинг 9 ойи учун хусусий ташқи қарз бўйича тушумлар ва тўловлар тўғрисидаги ахборот	56
Асосий қарз ва фоизлар бўйича бўлажак тўловларнинг прогнози	57

I. Жорий операциялар ҳисоби


Жорий йилнинг I ярим йиллиги натижалари бўйича жорий операциялар ҳисобининг дефицити 3,2 млрд. АҚШ доллари (бундан буён – долл.)ни ташкил этди (*I-диаграмма*).

Жорий йилнинг I ярми учун маълумотлар ХВФ тавсияларига мувофиқ қайта кўриб чиқилди. Хусусан, барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш хизматлари импорти ҳисобланди, ҳамда бирламчи ва иккиламчи даромадларни ҳисоблаш тартиби ўзгартирилди, шунингдек бошқа ўзгартиришлар киритилди. Жорий операциялар ҳисоби компонентлари фарқининг (сальдосининг) ўзгаришига катта ҳисса қўшган ҳолатлар бўйича тушунтиришлар, мазкур нашрнинг тегишли бўлимларида акс эттирилган.

Жорий операциялар ҳисобининг манфий фарқига асосан импорт ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан кўплиги сабаб бўлди. Бирламчи ва иккиламчи шаклдаги даромадлар тушумининг ўсиши савдо балансида юзага келган дефицитнинг ўрнини қоплаш учун етарли бўлмади.

I-диаграмма

млрд. долл.



Шу билан жорий йилнинг 9 оyi натижаси бўйича савдо балансининг салбий фарқи халқаро хизматларни инобатга олган ҳолда 7,3 млрд. долларни, бирламчи ва иккиламчи даромадларнинг ижобий фарқи эса 4,1 млрд. долларни ташкил қилди.

1.1. Савдо баланси

Жорий йилнинг 9 ойи натижаси бўйича товарлар савдосининг ташқи савдо айланмаси, олтин билан савдо қилиш ва коррективкаларни¹ ҳисобга олган ҳолда 20,0 млрд. долларни ташкил этди. Экспорт ва импорт миқдори тегишинча 7,3 млрд ва 12,7 млрд долларни ташкил қилди. Бунинг натижасида савдо балансининг салбий фарқи 5,4 млрд долларни ташкил қилди.

Қайд этиш зарурки, товарлар² билан расмий савдо қилишга доир кўрсаткичлар савдо баланси бўйича муқобил даврда ҳисоблаб чиқилган маълумотлардан фарқ қилади. Маълумотлардаги фарқлар уларни тузишда қўлланилган методологияларнинг турлилиги ҳисобига юзага келган. Хусусан, Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, товарлар билан савдо қилиш бўйича ташқи савдо айланмаси 19,2 млрд. долларни ташкил қилган. Экспорт ва импорт тегишинча 7,2 млрд. ва 12,0 млрд. долларни ташкил қилган, салбий савдо баланси фарқи 4,8 млрд. долларга тенг бўлган (3.1-илова).

1.1.1. Товарлар экспорти

Товарлар экспортининг умумий ҳажмида «қимматбаҳо металллар» ва «минерал маҳсулотлар» товарлар гуруҳи устунлик қилиб, 9 ой якунлари бўйича, товарларнинг умумий экспортида уларнинг жами улуши 52%га тенг бўлди. Бунда, ушбу гуруҳдаги энг катта концентрация коэффицентига эга бўлган товарлар олтин, шунингдек нефть газлари ва углеводородлар ҳисобланади (3.2-илова).

Жорий йилнинг I чораги учун нашрда таъкидланганидек, олтиннинг жахон бозоридаги нархи ўртача троя унцияси учун I чоракда 1 330,7 долл., II чоракда эса – 1,8% пасайган ҳолда 1 306,3 долларни ташкил этди. Жорий йилнинг III чорагида олтиннинг жахон бозоридаги троя унцияси учун ўртача нархи ўтган чоракнинг ўртача нархига нисбатан 7,1% пасайган ҳолда 1213,5 долларни ташкил қилди. Ўртача нархлар бўйича ҳисоблаб чиқилган олтиннинг сотиш ҳажми – 30 тонна, II чорагида эса – 6,4 тонна бўлди. Жорий йилнинг III чорагида олтиннинг реализацияси амалга оширилмади.

¹ Товарларнинг импорт ва экспорти, резидент ва норезидент ўртасидаги эгалик ҳуқуқининг ўтиши тамойили бўйича, Ўзбекистонга/дан товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш тўғрисидаги маълумотлар асосида акс эттирилади. Бундан ташқари, импорт қилинаётган товарларнинг нархи ташиш ва суғурта бўйича нархларни акс эттириш учун коррективка қилинади ва FOB-нархларда баҳоланади. Шундай қилиб, тўлов баланси бўйича экспорт ва импорт бўйича кўрсаткичларни ҳисоблаш методологияси Давлат статистика қўмитаси қўллайдиган методологиядан фарқланади.

² Расмий импорт ва экспорт тушунчаси остида Давлат статистика қўмитаси эълон қиладиган савдо статистикаси маълумотлари тушунилади.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 9 ойи учун газ экспорти 2,0 млрд. долларни ташкил қилди. Ундан 834,8 млн. доллари жорий йилнинг III чорагига тўғри келмоқда. Бунда экспертлик баҳолаши асосида, умумий қийматнинг умумий хажмга нисбати сифатида ҳисобланган газнинг ўртача нархи жорий йилнинг 9 ойи учун 1000 кубометр учун 145 долларни ташкил қилди.³

Жорий йилнинг 9 ойидаги жами товарлар экспорти ҳажмида салмоқли бўлган бошқа товарларнинг улуши 2-диаграммада келтирилган⁴.

2-диаграмма



Юқорида тақдим этилган экспорт товарлари умумий экспорт ҳажмидан жами 99 %ни ташкил этмоқда. Экспорт тузилмасининг таҳлили экспортнинг умумий ҳажмидаги салмоқли бўлган улуш (50% дан ортиқ) хом ашё товарларига тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда (3.2.1-илова).

³ Газнинг нархи божхона статистикаси маълумотлари асосида баҳоланган бўлиб, газ экспорти амалга оширилган барча мамлакатлар бўйича ўртача кўрсаткич ҳисобланади. Алоҳида олинган мамлакатлар бўйича 1000 куб/м газнинг нархи ушбу кўрсаткичдан юқори ёки паст бўлиши мумкин.

⁴ Диаграммада товарларнинг умумий экспорт ҳажмидан 1/3% юқори улушга эга бўлган товарлар келтирилган.



3.3-иловада барча мамлакатлар бўйича товарларнинг ташқи савдо жўғрофий тузилмаси келтирилмоқда.

1.1.2. Товарлар импорти

Товарлар импортининг умумий ҳажмида «машиналар, асбоб-ускуна, механизмлар» – 4,3 млрд. долл., «қимматбаҳо бўлмаган металллар ва улардан буюмлар» – 1,8 млрд. долл., «ерусти, сув ва ҳаво транспорти воситалари» – 1,7 млрд. долл. товарлар гуруҳи устунлик қилиб, уларнинг хиссасига жами импорт ҳажмидан 59 % тўғри келади.

Жорий йилнинг I ярим йиллигидаги жами товарлар импорти ҳажмида салмоқли бўлган бошқа товарларнинг улуши 4-диаграммада келтирилган⁵.

⁵ Диаграммада импорт товарларининг умумий ҳажмидан 1% дан кўпроқ улушга эга бўлган билан товарлар кўрсатилган.



Юқорида кўрсатилган импорт қилинувчи товарлар умумий импорт ҳажмидан жами 98 % ни ташкил этмоқда. Импорт тузилмасининг таҳлили унинг умумий ҳажмидаги салмоқли бўлган улуши (45%дан ортиқ) ишлаб чиқариш мақсадлари учун асбоб-ускуна, транспорт, хом ашёларга тўғри келаётганлигини кўрсатмоқда (3.2.2-илова).



Жорий йилнинг 9 ойи давомида товарларнинг импорти асосан Россия, Хитой, Корея Республикаси, Қозоғистон, Туркия, Литва, Япония, Германия, АҚШ, Латвия, Италия ва Украинадан амалга оширилиб, уларнинг улушига импортнинг умумий ҳажмидан 86% тўғри келмоқда (5-диаграмма).

3.3-иловада барча мамлакатлар бўйича товарларнинг ташқи савдо жўғрофий тузилмаси келтирилмоқда.

1.2. Хизматлар

Жорий йилнинг 9 ойи давомида халқаро хизматлар бўйича дефицит 1,9 млрд. долларга тенг бўлди. Хизматларнинг экспорт ва импорт тузилмасида транспорт хизматлари ва туризм билан боғлиқ хизматлар устунлик қилмоқда.

Хизматлар экспорти 1,9 млрд. долл., хизматлар импорти эса 3,8 млрд. долларга тенг бўлди. Транспорт ва туризм (сафарлар) билан боғлиқ хизматларга, хизматлар экспорти умумий ҳажмидан жами 87% тўғри келмоқда. Шунингдек юқоридаги хизматларга, хизматлар импортининг умумий ҳажмидан жами 90% тўғри келмоқда.

Хизматлар турлари категориялари бўйича фарқ 1-жадвалда келтирилмоқда.

2018 йилнинг 9 ойи учун
халқаро хизматлар балансининг компонентлари

млн. долл.

Хизматнинг номи	2018 йилнинг 9 ойи				Фарқ
	экспорт	%	импорт	%	
Жами	1 930,5	100%	3 809,2	100%	-1 878,7
Бошқа томонларга тегишли моддий ресурсларни қайта ишлаш бўйича хизматлар	34,6	2%	1,4	0%	33,2
Бошқа категорияларга киритилмаган техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар	5,5	0%	10,2	0%	-4,7
Транспорт хизматлари	881,7	46%	1 673,6	44%	-791,9
Туризм (сафарлар) билан боғлиқ хизматлар	785,8	41%	1 760,7	46%	-974,8
Қурилиш	19,6	1%	105,1	3%	-85,5
Суғурта ва пенсия таъминоти соҳасидаги хизматлар	5,0	0%	132,5	3%	-127,4
Молиявий хизматлар	21,6	1%	12,1	0%	9,6
Бошқа категорияларга киритилмаган интеллектуал мулкдан фойдаланиш учун тўлов	0,3	0%	8,6	0%	-8,3
Телекоммуникация, компьютер ва информация хизматлари	118,1	6%	36,6	1%	81,4
Бошқа ишбилармонлик хизматлари	43,3	2%	49,1	1%	-5,8
Маданият ва дам олиш соҳасида хусусий шахсларга хизматлар	0,5	0%	1,7	0%	-1,3
Бошқа категорияларга киритилмаган давлат товарлари ва хизматлари	14,5	1%	17,7	0%	-3,2

Жорий йилнинг III чорагида барча транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш хизматлари импорти ҳисобланди, бундан ташқари баъзи мамлакатлар бўйича транспорт ва суғурта хизматлари қайта ҳисоблаш бўйича коэффициентлар ўзгартирилди. Шунингдек, бошқа категорияларга киритилмаган давлат хизматлари импорти бўйича олинган маълумотлар акс эттирилди.

Шу сабабли, ҳамда транспорт (ҳаво, темирйўл, автомобиль йўллари ва бошқалар) хизматлари бўйича салбий фарқ импорт қилинган товарларнинг нархи қайта баҳоланишини инобатга олган ҳолда 792 млн. долларга тенг бўлди. Бунда, ТБҚ 6 методологиясига мувофиқ, импорт товарларининг нархи қайта баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда, суғурта бўйича импорт хизматларининг

ҳажми 132,5 млн. долларга етди, натижада хизматларнинг ушбу категорияси бўйича салбий фарқ ҳисоб китобларга кўра 127,4 млн. долларни ташкил этди⁶.

2-жадвалда транспорт турлари бўйича хизматларнинг экспорти ва импорти тўғрисидаги маълумотлар келтирилмоқда.

2-жадвал.

Транспорт турлари бўйича хизматларнинг экспорти ва импорти

млн. долл.

Транспорт турлари	2018 йилнинг 9 ойи			
	экспорт	%	импорт	%
ЖАМИ	881,7		1 673,6	
Ҳаво	191,6	22%	340,1	20%
Темирйўл	147,5	17%	829,7	50%
Автомобиль транспорти	5,4	1%	306,8	18%
Труба қувурлари	482,5	55%	0,9	0%
Транспортнинг бошқа турлари (транспортнинг ёрдамчи воситалари)	54,6	6%	196,1	12%

Туризм (сафарлар) билан боғлиқ хизматлар (қисқа муддат давомида чет элда ишловчи жисмоний шахслар харажатларини ўз ичига олади) категорияси бўйича тузатишлар киритилиб, қисқа муддатли ишчиларнинг бир қисми узок муддатли ишчиларга ўтказилди ва уларнинг харажатлари нисбий баҳоси пасайиши оқибатида жорий йилнинг 9 ойи учун салбий фарқ 975 млн. долларга тенг бўлди.

Ижобий фарқ бошқа томонларга тегишли моддий ресурсларни қайта ишлаш бўйича хизматлар ва бошқа хизматларда кузатилди (телекоммуникация ва молиявий).

3.4-иловада кенгайтирилган классификаторда халқаро хизматларнинг баланси келтирилмоқда.

1.3. Бирламчи даромадлар

Бирламчи даромадлар ҳисоби бўйича фарқ хорижда қисқа муддатда бўлиб турган мамлакат резидентлари даромадлари ҳисобига 1,1 млрд. долл. миқдоридаги ижобий қиймат билан баҳоланган.

⁶ Мамлакатга импорт қилинаётган аксарият товарлар транспорт ва суғурта хизматлари бўйича тўловларни юк жўнатувчи томонидан тўланиши шарти билан келтирилмоқда. Шу муносабат билан, жорий йилнинг 9 ойи учун транспорт ва суғурта хизматлари бўйича тўловлар миқдори, Ўзбекистон юк ташувчи компаниялари тарифлари асосида ҳисобланган хизматларнинг товарлар импортидаги улуши 9 фоизни ташкил этди.

2018 йилнинг 9 ойи учун резидентларнинг чет элдаги даромадлари суммаси 2,4 млрд. долл. миқдорида баҳоланди⁷. Қисқа муддатли ишчилар даромадларининг 2018 йилнинг I ярим йиллигига нисбатан қисқариши уларнинг сонини баҳолашнинг янги тартиби қўлланилиши билан боғлиқ.⁸

Резидентларнинг инвестициялардан олган даромадлари – 156,4 млн. долл., ундан 147,7 млн. долл. – халқаро резервларни жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобланади. Бундан ташқари, жорий йилнинг I ярим йиллигида кўрсатиб ўтилган табиий ресурслардан фойдаланганлик учун рента резидентлар ўртасида амалга оширилган операция сифатида чиқариб ташланди.⁹

Норезидентларнинг инвестициялардан олган даромадлари – 1,3 млрд. долл. Жорий йилнинг I ярим йиллиги учун нашрда ушбу курсаткичга маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида фаолият юритаётган корхоналарнинг фойда ва компенсацион маҳсулотлари бўйича маълумотлар кўшиб кўрсатилган. Лекин, ТБҚ 6 бўйича резидент шартли бирликлар мавжудлиги тан олиниши муносабати билан, мазкур корхоналарга тегишли даромадлар чиқариб ташланди ва фойда маҳсулотининг инвесторга тегишли қисми тўғридан-тўғри инвестициялардан даромадлар сифатида, компенсацион маҳсулот эса молия ҳисобида олдин киритилган инвестицияларнинг сўндирилиши сифатида акс эттирилди.

Тўғридан-тўғри хорижий сармоя киритган инвесторларнинг реинвестиция қилинган даромадлари 578,3 млн. долларни ёки тўғридан-тўғри инвестициянинг умумий суммасини 64,5%ини ташкил этмоқда. Жалб қилинган кредитлар ва қарзлардан тушадиган даромадлар ҳукумат, ҳукумат томонидан қафолатланган, шунингдек хусусий қарз олиш бўйича ҳисоблаб чиқарилган фоиз тўловларини ҳисобга олади. Жорий йилнинг I ярим йиллиги учун нашрда реинвестиция қилинган даромадлар тўланган дивидендларни инобатга олган ҳолда ҳисобланган.

Норезидентлар инвестиция даромадларининг тақсимланиши 6-диаграммада келтирилмоқда.


⁷ Мамлакат резидентларининг чет элдаги даромадлари бўйича баҳолаш расмий манбалардаги маълумотлар ҳамда барча вилоятлардаги чегара постлар ва халқаро аэропортларда Марказий банк томонидан ўтказилган сўровнома натижалари бўйича ҳисобланган коэффициентлар орқали амалга оширилди.

⁸ Бундай усулнинг қўлланилиши қисқа муддатли ишчилар сонини камайтириб, тушумларнинг асосий қисмини иккиламчи даромадларга ўтказилишига олиб келди. Шу билан бирга, ҳисоб-китобларда худди ўтган даврга ўхшаб, пул ўтказмалари ва нақд валюта маблағларининг олиб кирилиши асос қилиб олинди.

⁹ Тўлов баланси бўйича қўлланмага мувофиқ (13.101-банд) табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов рента сифатида инобатга олинади. Бироқ «Табиий ресурслар инвестициялардан эмас балки мулкдан даромад келтиради. Рента эса трансчегаравий ҳолатларда вужудга келиши мумкин, лекин бу кам юз беради, чунки барча ер резидентларга тегишлилиги тан олинади ва зарурият бўлганда, ушбу мақсадларда шартли бирликлар-резидентларнинг мавжудлиги тан олинади.» деб изоҳ берилган.

Норезидентларнинг инвестиция даромадлари

- Тўғридан-тўғри инвестициялардан даромадлар
- Портфель инвестицияларидан даромадлар
- Қарз ва кредитлардан даромадлар
- Ўзбек банкларидаги депозитлар ва корреспондент ҳисобрақамларидан даромадлар



Бирламчи даромадларнинг баланси бўйича батафсил маълумотлар 3.6-иловада келтирилмоқда.


1.4. Иккиламчи даромадлар

Иккиламчи даромадларнинг ижобий фарқи жорий йилнинг 9 оyi давомида 3,0 млрд. долларни ташкил қилди. Ушбу фарқ чет элдан жисмоний шахсларга трансферт ўтказмалари ҳисобига вужудга келган¹⁰. Жорий йилнинг 9 оyi давомида чет элдан жисмоний шахсларга келиб тушган халқаро пул ўтказмалари 3,8 млрд. долларни ташкил этиб, резидентлар томонидан республикага олиб кирилган нақд хорижий валюта суммаси (тақрибан 1,0 млрд. долл.)ни инобатга олган ҳолда, ундан 3,4 млрд. доллар ёки 64% шахсий трансфертларга киритилди.

Жорий йилнинг 9 оyi якуни бўйича Ўзбекистон – Россия, Қозоғистон, АҚШ, Туркия, Корея Республикаси, Исроил, Швеция, БАА ва бошқа бир қатор мамлакатлардан пул ўтказмаларининг нетто олувчиси, шунингдек Хитой, Украина, Литва, Озарбайжон, Польша ва бошқа мамлакатларга пул ўтказмаларининг нетто тўловчиси ҳисобланади.

¹⁰ Уй хўжаликларининг иккиламчи даромадлари ҳисоби пул ўтказмалари бўйича келиб тушган ва резидентлар томонидан олиб кирилган нақд хорижий валюта суммаси ҳамда хорижда қисқа муддат давомида ишлайдиган резидентларнинг чет элда бўлган даврдаги даромадлари ва харажатларининг фарқи сифатида амалга оширилмоқда.

Жисмоний шахслар томонидан 2018 йилнинг 9 ойида олинган пул ўтказмалари (мамлакатлар кесимида)




Шуни таъкидлаш жоизки, амалиётда пул ўтказмалари нафақат қисқа муддатли ишчилар томонидан ўз оилаларига моддий ёрдам жўнатиш учун ва норезидентлар (1 йилдан ортиқ муддат давомида хорижда ишлайдиган ишчиларни ўз ичига олади) томонидан резидентларга трансферт жўнатмаларни бажариш учун амалга оширилган, балки ташқи савдо операциялари бўйича ҳисобкитобларни амалга ошириш учун ҳам ишлатилган бўлиши мумкин. Буни инобатга олган ҳолда, жисмоний шахслар – резидентларга келиб тушган пул ўтказмалари ва хорижий валютани олиб кириш суммаси «моқкилик» (челночный) экспорти бўйича тўлов суммасига камайтиради. Ўхшаш жараёндаги тузатишлар жисмоний шахслар – резидентлар томонидан хорижга жўнатилган ва нақд кўринишда олиб чиқилган маблағлар, ҳамда «моқкилик» (челночный) импорти бўйича қўлланилади.¹¹

Жорий йилнинг 9 оyi давомида Ўзбекистондан ўтказмалар 639 млн. долларни ташкил этди. Хитой, Туркия ва Россияга ўтказилган маблағларнинг асосий қисми «моқкилик» импорти бўйича тўлов учун ўтказилган бўлиши мумкин. Шу муносабат билан, тўланган шахсий трансфертлар экспертлик баҳолаш асосида ҳисобланган.

¹¹ Тўлов маълумотлари аҳолида нақд валюта маблағларининг қолдиғини ҳисоблашда ҳисобга олинган ва тўлов балансида уй ҳўжаликларида маблағларнинг камайиши сифатида акс эттирилган.

Жисмоний шахслар томонидан 2018 йилнинг 9 ойида жўнатилган пул ўтказмалари (мамлакатлар кесимида)



3.5 ва 3.7-иловаларда пул ўтказмалари ва иккиламчи даромадларнинг баланси кесимида батафсил ахборот келтирилмоқда.

II. Капитал операциялари ҳисоби

Жорий йилнинг 9 оyi давомида капитал операциялари ҳисобининг ижобий фарқи 103,3 млн. долларга тенг бўлди, улардан 29,6 млн. доллари хусусий ташқи қарзлар бўйича асосий қарз ва фоизлардан кечиш кўринишида (асосан бош компаниялардан олинган), ва 6,0 млн. доллари – қурилишга капитал трансферт шаклида тақдим этилган. Бундан ташқари, жорий йилнинг III чорагида 70,1 млн. доллар миқдоридagi йирик ва бир марталик хусусиятга эга бўлган капитал трансфертлар келиб тушди.

III. Молия ҳисоби ва халқаро инвестицион позиция (ХИП)

2018 йилнинг 9 ойи учун резидентлар активлари 153 млн. долларга камайди, норезидентлар олдидаги мажбуриятлар эса 3,2 млрд. долларга кўпайди. Шу муносабат билан мамлакатнинг тоза инвестицион позицияси 3,4 млрд. долларга қисқарди. (4-илова).

Иқтисодиёт секторлари бўйича халқаро инвестицион позиция давлат бошқаруви сектори ва банк сектори¹² «тоза кредитор» позициясини сақлаб қолганликларини, қолган секторлар эса «тоза қарздор» бўлиб қолаётганлигини кўрсатмоқда¹³. (3-жадвал).

3-жадвал.

Тоза инвестицион позиция ва унинг иқтисодиёт секторлари бўйича ўзгариши (2018 йилнинг 9 ойи учун)

в млн. долл.

Сектор	01.01.2018 г.	01.10.2018 г.	9 ой учун ўзгариш
Давлат	20 480,9	17 680,6	-2 800,4
Банк	2 066,7	1 429,9	-636,7
Бошқалар	-8 385,1	-8 321,5	63,7

3.1. Давлат бошқаруви секторининг ХИП

3.1.1. Активлар

2018 йилнинг январь-сентябрь ойлари учун давлат бошқаруви секторининг активлари 1,7 млрд. долларга қисқарди. Ушбу қисқариш монетар олтиннинг қайта баҳоланиши ҳисобига активларнинг камайиши, ички валюта бозорида Марказий банк томонидан интервенцияларнинг ўтказилиши ва давлат мақсадли дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштирилиши натижасида юзага келди (4.1-илова).

3.1.2. Мажбуриятлар

Давлат бошқаруви секторининг мажбурияти давлат ташқи қарзидан иборат. Жорий йилнинг 9 ойи давомида норезидентлар олдидаги мажбуриятлар асосан янги қарзларни жалб қилиш ҳисобига 1,1 млрд. долларга кўпайди (4.1-илова).

¹² Давлат бошқаруви сектори давлат бошқарувининг вазирлик ва муассасалари, шунингдек Марказий банкни ўз ичига олади. Банк сектори барча тижорат банкларини ўз ичига олади.

¹³ Тоза кредитор – кўриб чиқилаётган секторнинг активлари мажбуриятларидан кўп; Тоза қарз олувчи – кўриб чиқилаётган секторнинг мажбуриятлари активларидан кўп.

3.2. Банк секторининг ХИП

3.2.1. Активлар


2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра тижорат банклари активларининг суммаси 2,9 млрд. доллардан 2,5 млрд. долларгача қисқарди (461 млн. долларга камайиш). Ушбу қисқаришларнинг сабаби импорт операциялари бўйича тўловлар ҳажмининг ўсиши натижасида банкларнинг ностро ҳисобрақамларида ҳамда банк кассаларида валюта ва депозитларнинг камайиши ҳисобланади. (4.2-илова).

3.2.2. Мажбуриятлар

Жорий йилнинг III чораги давомида норезидентларнинг банклардаги депозитлари 117,5 млн. долларга камайди. Ушбу камайиш йирик ва бир марталик хусусиятга эга бўлган капитал трансферт берилиши ҳамда норезидентларнинг муддатли депозитлари қайтарилиши билан боғлиқ. Бунда, 2018 йилнинг 9 ойи давомида банк секторининг норезидентлар депозитлари бўйича мажбуриятлари 28 млн. долларга камайди. Шу билан бирга, банкларнинг хорижий молиявий муассасаларга ташқи қарзлар бўйича мажбуриятларининг ўсиши 195 млн. долларни ташкил қилди. Шундай қилиб, 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига банк секторининг норезидентлар олдидаги мажбуриятларининг тўрдан уч қисми хорижий молиявий муассасалардан жалб қилинган ташқи қарзларга тўғри келади.

9-диаграмма.

Банк секторининг норезидентлар олдидаги мажбуриятлари тузилмаси



3.3. Бошқа секторларнинг ХИП

3.3.1. Активлар

Бошқа секторларнинг активлари 2,0 млрд. долларга, мажбуриятлари эса – 1,9 млрд. долларга кўпайди. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг бошқа секторларида активларнинг ўсиши мажбуриятларнинг ўсишидан юқори бўлди, ва тоза инвестицион позициянинг яхшиланиши кузатилди (4.3-илова).

Активлар ўсишининг асосий улуши (97%) «Валюта ва депозитлар» бўлимига тўғри келди, у асосан хорижда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг даромадларини репатриация қилиш (қайтариш) ҳисобига кўпайди. Шунингдек, норезидентларга тақдим этилган савдо кредитлари ва авансларининг қолдиғи 50 млн. долларга ўсиши кузатилмоқда.

3.3.2. Мажбуриятлар

Ўсиш «Савдо кредитлари ва аванслар», «Тўғридан-тўғри инвестициялар» ва «Портфель инвестициялари» компонентлари бўйича кузатилди, «Судалар ва қарзлар» компоненти бўйича эса норезидентлар олдидаги мажбуриятларнинг қисқариши кузатилди (4.3-илова).

Экспертлик баҳолашларга қараганда, савдо кредитлари бўйича мажбуриятларнинг ўсиши 2,1 млрд. долларни ташкил қилди. Мажбуриятлар ўсишининг асосий сабаби бу ташқи савдо айланмасинининг, хусусан импорт операцияларининг ўсишидир. Шу билан бирга, қайд этиш жоизки, савдо кредитлари ва аҳоли маблағларининг ўсиши қисман ўзаро компенсацияланади, яъни импорт қилинган товарларнинг бир қисми нақд хорижий валютада тўланган бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасига тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми қайта кўриб чиқилди. Бунда, январь-сентябрь ойлари давомида маҳсулотни тақсимлаш битимлари доирасида хорижий инвесторлардан келган тушумлар тўғридан-тўғри инвестициялар сифатида баҳоланди ва уларнинг таркибига киритилди. Жорий йилнинг 9 оyi давомида тушумлар 548 млн. долларни ташкил қилди¹⁴, шу билан бирга хорижий инвесторларга компенсацион тўловлар 842 млн. долларни ташкил қилди. Шундай қилиб, маҳсулот тақсимотида оид корхоналар бўйича инвестицияларнинг тоза ўсиши манфий бўлиб, 294 млн. долларни ташкил қилди.

Номолиявий ташкилотлар бўйича (маҳсулот тақсимотида оид битимлар доирасида фаолият юритувчи корхоналардан ташқари) акционер капиталга тоза қўйилмалар 190 млн. долларни, реинвестиция кўринишидаги даромадлар эса 591,2 млн. долларни ташкил қилди. Шунингдек, қарз инструментлари кўринишидаги қўйилмалар 18,2 млн. долларга камайди. Шундай қилиб, номолиявий ташкилотларга (маҳсулот тақсимотида оид битимлар доирасида

¹⁴ Мазкур маблағлар маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича операторнинг хорижда дастур доирасида очилган мақсадли ҳисобрақамига келиб тушди.

фаолият юритувчи корхоналардан ташқари) инвестицияларнинг ўсиши 763 млн. долларни ташкил қилди.

Нобанк молиявий муассасалар бўйича акционер капиталга тоза қўйилмалар 1,1 млн. долларга ўсди, реинвестиция кўринишидаги даромадлар эса 0,1 млн. долларга камайди.

Натижада, жорий йилнинг 9 оyi давомида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 470 млн. долларга ўсди.

Портфель инвестицияларнинг ўсиши инвесторлар классификациясининг тўғридан-тўғри инвестордан портфель инвесторга ўзгариши ҳисобига содир бўлди.

Ссудалар ва қарзлар бўйича мажбуриятларнинг камайиши хусусий секторнинг ташқи қарзи бўйича қарздорликни сўндириш муддатлари бошланиши билан боғлиқ.

IV. Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ҳолати.

4.1. Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ўзгариш динамикаси.

Умумий ташқи қарз асосий қарз ва фоизларни тўланиши талаб қилинадиган норезидентлар олдидаги резидентларнинг мажбуриятларини акс эттиради. Умумий ташқи қарз давлат ва хусусий секторнинг қарзларини ўз ичига олади.


Умумий ташқи қарз ўзгаришининг таҳлили 2012-2015 йиллар давомида ҳам давлат, ҳам хусусий секторда қарздорликнинг ўсиши кузатилганлигини кўрсатди. Бироқ 2016 йилдан бошлаб хусусий сектор томонидан ташқи қарзнинг сўндирилиши унинг жалб қилинишидан юқори бўлмоқда, ҳамда дастлабки баҳоларга кўра ушбу ҳолат 2018 йилнинг охиригача ҳамда 2019 йилда сақланиб қолади.

2018 йилда давлат ташқи қарзининг ўсиш суръатлари ўтган даврларга нисбатан юқори бўлганлиги кузатилди ва мавжуд маълумотларга асосан юқори ўсиш суръатлари кейинги йилда ҳам сақланиб қолиши кутилмоқда. Ушбу ўсиш давлат мақсадли дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида янги ташқи қарзлар жалб қилиниши билан тушунтирилади.

10-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг динамикавий қаторлари¹⁵ (Даврнинг охирига)

млрд. долл.



¹⁵ 2018 йилнинг бошида ташқи қарзни ҳисоблаш методологияси қайта кўриб чиқилган эди ва 2018 йилдан бошлаб ташқи қарз олишлар бўйича қарздорликнинг қолдиғини ҳисоблашда ҳисоблаб чиқилган, аммо тўланмаган фоизлар ҳам ҳисобга олинмоқда.

4.2. 2017-2018 йиллардаги Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси умумий ташқи қарзининг ҳажми 2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига 16,4 млрд. долларни ташкил қилиб, 2018 йилнинг бошига нисбатан 4,2% ёки 664,3 млн. долларга ўсди. (4-жадвал).

4-жадвал

Умумий ташқи қарзининг тузилмаси ва ўзгариши¹⁶ (иқтисодиёт секторлари бўйича)

млн. долл.

Иқтисодиёт сектори	Қуйидаги саналар ҳолатига кўра қарздорлик			Салмоғи	2018 йилнинг 9 ойи учун ўзгариш
	01.01.2017 г.	01.01.2018 г.	01.10.2018 г.		
Жами	14 623,6	15 776,4	16 440,7	100%	664,3
Давлат ташқи қарзи	6 474,9	7 600,0	8 730,5	53%	1 130,5
Хусусий ташқи қарз	8 148,7	8 176,4	7 710,2	47%	-466,2
<i>Бош компанияларидан</i>	<i>1 377,1</i>	<i>1 304,9</i>	<i>1170,3</i>	<i>15%</i>	<i>-134,6</i>
Хусусий ташқи қарздаги секторларнинг улушлари					
Нефть, газ ва энергетика сектори	6 097,0	6 149,7	5 614,5	73%	-535,2
Телекоммуникация сектори	1 152,8	965,6	750,3	10%	-215,3
Банк сектори	450,2	579,7	775,3	10%	195,7
Тўқимачилик сектори	112,4	119,9	127,0	2%	7,1
Бошқа секторлар	336,4	361,6	443,0	6%	81,5

¹⁶Давлат ташқи қарзи давлат томонидан жалб қилинган қарз ва давлат кафолати остида олинган қарздан иборат. Хусусий ташқи қарз хўжалик юритувчи субъектларнинг, шу жумладан давлат корхоналарининг, давлат томонидан кафолатланмаган ташқи қарздан иборат.

5-жадвалда жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзни таснифланиши келтирилмоқда.

5-жадвал

Жалб қилиш муддатлари бўйича ташқи қарзнинг таснифланиши¹⁷
(2018 йилнинг 1 октябри ҳолатига кўра)

Қарзни жалб қилиш муддати	Қарздорлик суммаси (млн. долл.)	Салмоғи (%)
1 йилгача	127,0	0,8%
1 йилдан 5 йилгача	1 091,1	6,6%
5 йилдан 10 йилгача	1 075,0	6,5%
10 йилдан ортиқ	14 147,5	86,1%
ЖАМИ:	16 440,7	100 %

2018 йилнинг 9 оyi учун жами қарздорликнинг ўсиши давлат секторига тўғри келмоқда (1,1 млрд. долл.), шу билан бирга хусусий секторнинг қарздорлиги 466,2 млн. долларга камайди. Шундай қилиб, давлат ташқи қарзи давлат лойиҳаларини молиялаштириш учун янги қарз олишларни жалб қилиш ҳисобига ўсиш тенденциясини сақлаб қолди.

Таъкидлаш лозимки, 2018 йилнинг 9 оyi давомида хусусий сектор томонидан жами 536,3 млн. доллар миқдордаги ташқи қарз жалб қилинди. Қарзни жалб қилиш асосан банклар – 340,0 млн. долл., улардан 241,2 млн. долл. – давлат улушига эга банклар, 57,8 млн. долл. – нефть, газ ва энергетика сектори корхоналари, 25,3 млн. долл. – тўқимачилик соҳаси корхоналари ва 113,3 млн. долл. – иқтисодиётнинг бошқа секторлари корхоналари хиссасига тўғри келади.

Шунингдек хусусий сектор қарзи бўйича 2018 йилнинг 9 оyi давомида 962,6 млн. долл. миқдордаги асосий қарз ва 225,9 млн. долл. миқдордаги фоизларнинг тўлови амалга оширилди. Давлат ташқи қарзи бўйича эса мос равишда 303,7 млн. долл. ва 122,8 млн. долл. тўлаб берилди.

Бунда асосий қарзни сўндиришнинг сезиларли ҳажми нефть, газ ва энергетика сектори (645,8 млн. долл.), шунингдек банк (151,4 млн. долл.) ва телекоммуникация сектори (118,8 млн. долл.)га тўғри келмоқда. Нефть, газ ва энергетика сектори корхоналари томонидан 187,4 млн. доллар миқдордаги фоизлар тўланган.


2017-2018 йилларнинг 9 оyi учун ташқи қарз қолдиғининг ўзгариши 11-диаграммада кўрсатилган.

¹⁷Қарздорликни таснифлаш қарз олишларни сўндиришнинг бирламчи муддатларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилган.

11-диаграмма.

2017-2018 йилларнинг 9 оyi учун ташқи қарз қолдиқларининг ўзгариши

млн. долл.




12-15-диаграммаларда қарзни жалб қилиш ҳамда асосий қарз ва фоизларни тўлаш тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган.

12-диаграмма.

2017-2018 йилларнинг 9 оyi учун иқтисодиёт секторлари бўйича ташқи қарзни жалб этиш


млн. долл.



13-диаграмма.

2017-2018 йилларнинг 9 ойи учун иқтисодиёт секторлари бўйича асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар


млн. долл.



14-диаграмма.


2017-2018 йилларнинг 9 ойи учун иқтисодиёт секторлари бўйича асосий қарзни тўлаш

млн. долл.



2017-2018 йилларнинг 9 ойи учун иқтисодиёт секторлари бўйича фоизларни тўлаш

млн. долл.



5.1-5.8-иловаларда 2018 йилнинг 9 ойи учун хусусий секторнинг ташқи қарз тушумлари ва сўндиришлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Жаҳон банкининг ҳисобот тизимида мувофиқ кредиторлар ва қарз олувчилар қирқимида маълумотлар ва улар бўйича прогнозлар тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

млн. долл.

Моддалар	2018 йил			
	I чорак	II чорак	III чорак	9 ой
I. Жорий операциялар ҳисоби фарқи	-231,4	-1 363,7	-1 602,6	-3 197,7
Товарлар, кредит (экспорт)	2 957,0	2 350,8	1 975,8	7 283,6
Товарлар, дебет (импорт)	3 727,9	4 519,7	4 488,9	12 736,4
Товарлар сальдоси	-770,9	-2 168,9	-2 513,1	-5 452,8
Хизматлар, кредит (экспорт)	570,1	665,6	694,8	1 930,5
Хизматлар, дебет (импорт)	1 142,6	1 249,2	1 417,3	3 809,2
Товарлар ва хизматлар сальдоси	-1 343,4	-2 752,4	-3 235,6	-7 331,5
Бирламчи даромадлар, кредит	685,1	829,9	871,2	2 386,2
Бирламчи даромадлар, дебет	370,7	449,4	474,6	1 294,6
Товарлар, хизматлар фарқи ва бирламчи даромадлар	-1 029,0	-2 371,9	-2 839,0	-6 239,9
Иккиламчи даромадлар, кредит	933,9	1 165,2	1 398,2	3 497,3
Иккиламчи даромадлар, дебет	136,3	157,0	161,8	455,2
II. Капитал билан операциялар ҳисоби	28,1	5,2	69,7	103,0
Капитал билан операциялар ҳисоби, кредит	28,8	6,0	70,9	105,7
Капитал билан операциялар ҳисоби, дебет	0,7	0,7	1,2	2,6
Капитал билан операциялар ҳисоб фарқи ва жорий операциялар ҳисоби	-203,3	-1 358,4	-1 532,9	-3 094,6
III. Молиявий ҳисоб (резервлардан ташқари)	-891,2	-709,2	-365,5	-1 965,9
Тўғридан-тўғри инвестициялар, активлар	0,1	0,5	0,6	1,3
Капиталдаиштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,1	0,0	0,0	0,2
Қарз инструментлари	0,0	0,5	0,6	1,1
Тўғридан-тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	515,5	-50,2	7,2	472,5
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	491,1	19,8	-20,1	490,7
Қарз инструментлари	24,4	-69,9	27,3	-18,2
Портфель инвестициялари, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялари, мажбуриятлар	1,2	2,8	5,6	9,6
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	1,2	2,8	5,6	9,6

Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар, мажбуриятлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар, активлар	84,2	355,1	1 087,1	1 526,4
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	84,2	355,1	1 087,1	1 526,4
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	458,9	1 112,2	1 440,4	3 011,5
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	458,9	1 112,2	1 440,4	3 011,5
Жорий операциялар ҳисоби сальдоси, капитал ва молиявий ҳисоб билан операциялар	687,9	-649,3	-1 167,4	-1 128,8
Резерв активлари	384,5	-604,1	-1 352,1	-1 571,6
Резерв активлари	384,5	-604,1	-1 352,1	-1 571,6
ХВФдан тоза қарз олиш (резерв позициясидан ташқари)	0,0	0,0	0,0	0,0
Алоҳида молиялаштириш	0,0	0,0	0,0	0,0
IV. Хатолар ва йўқотишлар	-303,4	45,2	-184,7	-442,9

Данный статистический отчёт использует стандартное представление, определенное в 6 издании Руководства составления Платёжного баланса (РПБ 6).

Ўзбекистон Республикаси халқаро инвестицион позицияси

млн. долл.

Кўрсаткичлар	2018 йилнинг 9 ойи			
	2017 й. IV чораги	2018 й. I чораги	2018 й. II чораги	2018 й. III чораги
Активлар	44 401,3	44 917,1	44 414,6	44 248,9
Тўғридан-тўғри инвестициялар	185,9	186,1	186,4	187,8
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	27,0	27,2	27,0	27,8
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	27,0	27,2	27,0	27,8
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	159,0	159,0	159,5	160,0
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	3,4	2,8	2,7	2,7
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	155,5	156,1	156,8	157,4
Портфель инвестициялари	1,2	1,2	1,2	1,1
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	1,2	1,2	1,2	1,1
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1,2	1,2	1,2	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарзд кимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	16 137,4	16 235,8	16 566,6	17 652,6
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	16 137,4	16 235,8	16 566,6	17 652,6
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	2 934,0	2 733,5	2 479,5	2 462,5
Давлат бошқаруви сектори	4,1	3,8	3,9	3,7
Бошқа секторлар	13 199,3	13 498,5	14 083,2	15 186,5
Бошқа молиявий ташкилотлар	10,0	10,0	10,0	10,0
Резерв активлари	28 076,9	28 494,0	27 660,5	26 407,3
Монетар олтин	14 034,1	13 976,8	13 842,2	13 953,0

Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	378,9	386,9	374,3	371,3
ХВФдаги резерв позицияси	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа резерв активлари	13 663,9	14 130,3	13 444,0	12 083,1
Мажбуриятлар	30 238,9	31 342,5	32 274,1	33 459,8
Тўғридан-тўғри инвестициялар	8 922,4	9 381,2	9 317,4	9 119,8
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	7 617,5	8 165,6	8 174,9	7 949,5
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	7 617,5	8 165,6	8 174,9	7 949,5
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	1 304,9	1 215,6	1 142,5	1 170,3
Тўғри инвесторнинг тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	1 231,7	1 141,5	1 068,1	1 093,4
Тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	73,2	74,1	74,4	76,9
Портфель инвестициялари	9,0	26,1	102,5	89,5
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	9,0	26,1	102,5	89,5
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	2,9	3,0	2,8	1,9
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	6,1	23,1	99,7	87,6
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,8	0,8	1,0	1,3
Қарзд кимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (резервлардан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	21 307,4	21 935,2	22 854,2	24 250,5
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (Мажбуриятларни тоза қабул қилиш)	0,0	0,0	0,0	0,0
Бошқа қарз инструментлари	21 307,4	21 935,2	22 854,2	24 250,5
Марказий банк	0,0	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	691,4	784,4	845,7	853,6
Давлат бошқаруви сектори	7 600,0	7 929,2	8 079,2	8 730,5
